

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАР**

1

ISSN 2181-7286

Илмий-методологик ва илмий-услубий журнал 2002 йилдан бошлаб чиқа бошлаган, йилига 4 марта чоп этилади

Таъсисчи:
И.КАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Бош мухаррир
и.ф.д., проф. А.Қодиров
Бош мухаррир ўринбосари
доц. А.Мирзаев
Масъул котиб
доц.М.И.Саидкаримова

Жамоатчилик кенгаши:

Проф. С. М. Турабджанов (ранс), проф. О.О.Зарипов, проф. Т.М.Ахмедов, д.т.н. Нематов Ш., проф. Н.Ф.Зиқриллаев

Тахрир ҳайъати:

Проф. Х.П.Абдулқосимов, проф. М.Л.Турсунходжаев, проф. А.А.Хошимов, проф. Б.А.Хасанова, проф. А.И.Архипов, проф. И.Эргашев, проф. С. Отамуродов, проф. Н.Жўраев, проф. Р.Самаров, проф. М.Мирқосимова, проф. Б.С.Сиддиқов, проф. У.Махкамов, проф. М.Бекмуродов, и.ф.д. Усаров Ж.Э., с.ф.д. проф. Пахрутдинов Ш.И.

Тахририят манзили:

100095, Тошкент – 95, Университет кўчаси, 2 тел:246-53-16, www.tdtu.uz E-mail: ijtimoiy-fanlar@rambler.ru

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан рўйхатга олинган, 2007 йил 22 январь, № 0205 сонли гувоҳнома.

ISSN 2181-7286. Иқтисод бўлими ОАК рўйхатига 2019 йил 1 январдан, Педагогика ва психология бўлими 2019 йил 25 июндан киритилган

Журналда маълумотлар босилганда далиллар кўрсатилиши шарт. Журналда чоп этилган маълумот ва келтирилган далилларнинг аниқлиги учун муаллиф жавобгардир.

М У Н Д А Р И Ж А

ИҚТИСОД	
Бегматова Ш.А., Ҳолиёрова Ш.К. Ўзбекистонда инновацион сисъатни шакллантириш ва ривожлантиришнинг асосий йўналишлари	6
Ташмухамедова К.С. Бозор шароитларида қурилишнинг рақобатбардорлиги	10
Мухамедова С.А. Ривожланган мамлакатларда пенсия жамғармаси маблағларидан аҳолини кекса қатламни ижтимоий ҳимоя қилишда фойдаланиш тажрибаси	14
Махмутов М.М. Ўзбекистон минтақаларида гастронимик туризмни ривожлантиришнинг узига хос хусусиятлари	18
Мирзаев Ш.А., Ахмедов А.К. Давлат қарзининг иқтисодий категория сифатидаги хусусиятлари	24
Қулматов А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг жаҳон тажрибаси ва уни жорий қилиш масалалари	30
Режапов Х.Х. Олий таълим хизматлари билан меҳнат бозорлари уртасидаги муносабатларни оптималлаштириш йўналишлари	35
Саидова Г.А., Ишмухамедова М.Х. Инвестициянинг иқтисодий моҳияти ва турлари	40
Қалмуратов Б.С. Институционал ислохотлар шароитида Қорақалпоғистон республикасида инновацион бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ривожлантириш йўналишлари	46
Rafiqjanova M.A., Botirxo'ja A.F. Aksiyadorlik jamiyatlarini raqobatbardoshligini oshirish	50
Воҳидов А.К. Иқтисодий ривожланишда инвестицияларнинг узига хос хусусиятлари	55
Султанов А.С. Коммунал ҳўжалигида уй-жўй фондида самарали фойдаланишни ташкил этиш масалалари	59
Умаров О.О., Занг Ли. Хитойда "Фан ва таълим" соҳасининг замонавий ва илмий йўналишларини ривожлантиришнинг иқтисодий жиҳатлари	63
Тураев З.Н., Хуррамов Р.А. Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш ва туристик-рекреацион кластерни ташкил этишда инвестицияларни жалб этиш муаммолари	67
Разақова Б.С. Инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари	71
Саидкаримова М.И. Урта Осиёда Темирийлар давригача булган иқтисодий фикрлаш	75
Қаҳҳоров О.С., Носиров А.Э. Илмий-инновацион фаолиятни ривожлантиришда кадрлар бoшқаруви нинг ўрни <i>(олий таълим муассасалари мисолида)</i>	82
ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯ	
Пулдошева М.Б. Хорижий тилларни ўқитиш жараёнида кейс-стади технологиясидан фойдаланишнинг самарадорлиги	88
Турсунов А.М. Кишилик жамияти ривожланиши жараёнида таълим соҳаси трансформацияси ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятлари	93
Каримова Н.О., Акбарова Ш.А., Қасимова Г.И. Информатика фанидан тўғарақларни олиб бoришда педагог шахсининг касбий мослиги ва унинг компетенцияси	98
Салимова К.М. Тарбия жараёнини лойихалаштириш	102
Жуманова Ф., Эшманова Н. Педагогик маҳорат ва малакавий тажрибага эга бўлиш – ўқитувчи фаолиятининг асоси	105
Ахророва С. Жамиятда инсоннинг шахс сифатида ўз оғни ва салоҳиятини ривожлантириш омиллари	108
Абдужалилова Ш. Еш оиланинг замонавий муаммолари	112
Шоҳодаева М.А. Техника йўналишларида муқтакил таълимни ташкил этиш методикаси	116
Турдиев Ж.П. Касб-ҳунар коллежларида назарий ва амалий таълимни ташкил этиш	119
Эгамова М.Х. Рус тилини ўқитишнинг коммуникатив тамойилари	123
Арипова К.А. "Чизма геометрия" фанини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш методикаси	126
Джўраева Л.Р. Олий таълим тизимида фалсафани ўқитиш услубияти	130
Махкамов У., Махкамова Н.У. Илм - инсон қамолотининг асосий мезони	135
Усаров Ж.Э., Шарипова Н.Г. Компетенциявий ёндашув – педагогик таълим инновацион кластерининг самарадорлик омиди	138
Филимонова Л.Ю. Талабаларнинг интеллектуал меҳнат маданияти даражасини баҳолаш долзарблиги	141
Мирахмедова З. Нофилологик ўқув юртларида нутқ қобилияти ва сўз бойлигини оширишнинг баъзи усуллари	147
Раҳманова Ю.Х. Уйлар орқали сўз бойлигини ўргатиш	153
Нематуллаева Ш.П. Тахсил олувчиларга йўналтирилган машғулотлар ноанъанавий ўқитиш услуби сифатида	158
Имамжанова В.А. Муқтакил фаолиятни чет тили дарсларида ўргатиш	164
Жўлиев Ш.Н. Таълимда замонавий информацион технологиялар ва уларнинг дарс беришда қўлланиши	170
Мирабидова М.А. Лугатни ўқитишда янги технологиялар	175

УДК 336:297

ДАВЛАТ ҚАРЗИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КАТЕГОРИЯ СИФАТИДАГИ
ХУСУСИЯТЛАРИОСОБЕННОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОГО ДОЛГА КАК
ЭКОНОМИЧЕСКОЙ КАТЕГОРИИ

THE GOVERNANCE DEBT AS AN ECONOMIC CATEGORY

Мирзаев Ш.А. (ТИҚХММИ доценти)

Ахмедов А.К. (ТИҚХММИ доцент)

Ушбу мақолада давлат қарзининг аҳамияти, турлари, қарз сиёсати ва иқтисодий категория сифатида унинг молия бозорига таъсири назарий жиҳатдан ўрганилган. Иқтисодий ривожлантириш ҳолатига давлат қарзининг таъсири йўналишлари таснифланди. Давлат қарзининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсири ва ЯИМга нисбатан ҳажмининг ўзгаришлари таҳлил этилди.

Калитли сўзлар: давлат қарзи, давлатнинг қарз сиёсати, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш, аллокатив, инвестиция, ташқи қарз.

В статье в теоретическом аспекте рассмотрены специфика, виды государственной долговой политики и её влияние на финансовый рынок как экономической категории. Были охарактеризованы направления влияния государственного долга на состояние развития экономики. Также, проанализировано влияние государственного долга на макроэкономические показатели и изменение объема по отношению к ВВП.

Ключевые слова: государственный долг, государственная долговая политика, расширенное воспроизводство, экономический рост, аллокатив, инвестиции, внешний долг.

The article theoretically considers the specifics, the types of government debt policy and its impact on the financial market as an economic category. There were characterized by the direction of the influence of public debt on the state of economic development. Also, the impact of public debt on macroeconomic indicators and volume changes relative to GDP are analyzed.

Keywords: government debt, government debt policy, extended re-production, the economic growth, allocative, investment, external debt.

Мамлакат иқтисодини ривожлантириш иқтисодий ва молиявий субъектларнинг ривожланиш даражаси ва уларнинг барқарорлигига боғлиқ. Ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш эса мазкур соҳаларга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш, ҳақаро ҳамкорликни ривожлантириш, ички хусусий инвестицияларни йўналтириш ҳамда хорижий молия институтларнинг кўмагидан фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги қарорида ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ва самарали ўзлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. [1]

Мохнатқинанинг фикрича “давлат ва муниципал қарзларнинг асосини давлат займлари ва кредитлари ҳисобига бюджет харажатларини молиялаштириш узок муддатли тадбири ҳисобланади” [3].

Дунёдаги давлат ва хусусий қарз рекорд қийматга етиб, 188 трлн долларни ташкил қилмоқда. Бу эса дунё ялпи ички маҳсулотининг 230 фоизини ташкил қилади. [2] Барча қарзнинг учдан икки қисми хусусий секторга тегишли. Дунё бундай улкан рақамларни Иккинчи жаҳон урушидан бери кўрмаган. Халқаро молия институти ҳисоботига кўра, ўтган йили глобал қарз 3,3 триллион долларни ташкил этиб, умумий қарз миқдори 243 триллион долларни ташкил этган. Шу жумладан, 65 триллиони давлатларнинг умумий қарзларига тўғри келиб, 2009 йилдаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврига нисбатан деярли бир ярим баробар кўпдир. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар қарзининг ЯИМга нисбати жуда юқори, яъни 390 фоизни ташкил этмоқда.

Молия назариясида, давлат қарзлари, "давлат кредити" тушунчасининг бир қисми бўлган мустақил категория сифатида тавсифланади. Шу билан бирга, давлат қарзлари молия – кредит тушунчаси белгиларини бирлаштиради: бир томондан, бу молия - кредит муносабатларининг пулли ва қайта тақсимловчи табиатини ифода этса, иккинчи томондан, пул оқимларининг тўловли ва қайтарилиш шarti асосида, кредит муддатли амал қилади. Шундай қилиб, давлат қарзи иқтисодий категория сифатида – бир томондан давлат ҳокимияти органлари, иккинчи томондан юридик ва жисмоний шахслар, учинчи томондан эса хорижий давлатлар, халқаро молия ташкилотлари ўртасида юзага келадиган муносабатларнинг йиғиндиси бўлиб, унда давлат қарз олувчи ва кафил сифатида майдонга чиқади.

Молиявий қарз – давлат қарзларини асоси бўлиб, у давлат облигацияларини жойлаштириш, бюджет харажатларини молиялаштириш ва бюджет камомадини қоплаш учун қарз маблағларини жалб қилиш орқали шакллантирилади. Маъмурий қарз – бу, бюджет харажатларини тўлиқ, ёки, муддатида молиялаштирамаслик ва давлат жорий бюджет сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган иш ҳақи, ижтимоий тўловлар бўйича турли даражадаги ҳокимият органларининг қарздорлиги бўлиб, бюджет харажатларини тўлиқ ва муддатида молиялаштирилмагани сабабли юзага чиқади ва давлатнинг жорий бюджет сиёсатини юритиш билан боғлиқ бўлади. Маъмурий қарзлар қисқа муддатли бўлиб, бюджет жараёнининг шаффофлигини ва ҳокимият томонидан тўғри назорат юритилишини талаб қилади. Ҳукумат қарзларининг ушбу тоифаси, амал қилишининг ўзига хос хусусияти туфайли, асосий қарзнинг бир қисми сифатида ҳисобга олинмайди, чунки у иқтисодиёт ҳолатининг муҳим индикатори ҳисобланади.

Эҳтимолли қарз деганда, давлат кафиллиги ва кафолатларини бериш билан боғлиқ молиявий муносабатлар тушунилади. Ушбу муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, уларда учинчи шахсларнинг иштироки мавжуд бўлиб, унинг мажбуриятлари бўйича давлат ҳокимият органлари томонидан кафолат ёки кафиллик тақдим этилиши мумкин. Фуқароларнинг ижтимоий суғурта соҳасидаги иштироки натижасида шаклланадиган қарзлар, молия-кредит муносабатларининг алоҳида соҳасига ажратилиши мумкин. Масалан, пенсия ёки бошқа хар қандай ижтимоий суғурта учун ажратмалар келажакда суғурта ходисалари юз берганда фуқароларга пенсия, ижтимоий нафақалар тўлаш бўйича давлат жавобгарлигининг пайдо бўлишига олиб келади.

Ўзининг моддий моҳиятига кўра, давлат қарзи, турли шаклларда мавжуд бўлган кредиторлар олдида, турли даражадаги ҳокимият органларининг қарз мажбуриятлари йиғиндисини ва шу жумладан учинчи шахсларнинг мажбуриятлари бўйича кафолатлар ва кафилликларни намойиш этади. Ҳар қандай давлатда, қарз муносабатларининг моддий ифодасини давлат қарзининг турларини белгиловчи. Бюджет кодексининг қоидалари асосида аниқлаш мумкин. Давлат органларининг, давлат ва муниципал қарзларни шаклланишига ва қарз мажбуриятлари пайдо бўлишига олиб келадиган тўртта ҳуқуқий асосларни ажратиш мумкин.

Биринчи асос сифатида, давлат ва муниципал қимматли қоғозларни ички ва ташқи бозорларга жойлаштириш муносабати билан вужудга келадиган, давлат ва муниципал субъектларнинг мажбуриятларини ажратиш мумкин.

Иккинчи асос ҳукумат органлари томонидан мамлакат ичидаги кредит ташкилотлари, хорижий кредит ташкилотлари билан тузилиши мумкин бўлган кредит келишувлари ва шартномалари иккинчи асос бўлиб хизмат қилади.

Учинчи асос давлат ва муниципал кафолат ва кафилликларини бериш билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлиши мумкин, бу эса, ўз навбатида, учинчи шахсларнинг ўз кредиторлари олдидаги мажбуриятларини бажармаган тақдирдагина, давлат ва муниципал субъектларининг қарз мажбуриятларини пайдо бўлишига олиб келади.

Тўртинчи асос деб, бюджет кредитларини қуйи даражадаги бюджетларга тақдим этишдан келиб чиқадиган давлат ва маҳаллий ҳокимиятлари субъектларини ҳисоблаш мумкин. Қарз сиёсати, ўзида, барча даражадаги ҳокимият органларининг давлат қарзини бошқариш соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий ва фискал вазифаларини ҳал этишга қаратилган давлатнинг стратегик ва амалий тадбирлари мажмуини намойиш этади.

Қарз сиёсати, ўзининг йўналтирилишига қараб бир қатор мақсадларни кўзда тутиши мумкин:

- фискал;
- ресурсларни оптимал тақсимлаш (аллокатив);
- иқтисодий мутаносиблик.

Давлат қарздорлиги ҳукуматнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир кўрсатадиган энг муҳим дастаклардан бири ҳисобланади. Шунини таъкидлаш жоизки, давлат қарздан фойдаланиш самараси, ҳукумат қарорларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, мустақил равишда автоматик тавсифга эга бўлиши мумкин. Шундай қилиб, давлатнинг ички молия бозорида ҳаддан ташқари фаол иштироки хусусий капитал қўйилмаларни сиқиб чиқрилишига олиб келиши мумкин. Маъмурий ва ҳарбий харажатларни молиялаштириш учун жалб қилинган маблағлардан унумсиз фойдаланиш, илгари тўпланган қарзларга хизмат кўрсатиш, сармойани ишлаб чиқариш соҳасидан ноишлаб чиқариш соҳасига қайта тақсимлашга олиб келади ва натижада иқтисодий ўсишнинг чекланишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, давлат қарзининг асосий макроиқтисодий параметрларга таъсири жуда зиддиятли ва иқтисодиётни ривожлантириш ҳолати ва босқичига боғлиқ бўлади. Чунончи, иқтисодий ўсишнинг пасайиши даврида, кредитларни жойлаштириш орқали давлат ижтимоий-иқтисодий тадбирларни молиялаштириш учун, тўпланган маблағларни сафарбар қилиши ва талабга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиши мумкин. Шу билан бирга, иқтисодий тикланиш даврида давлат заёмларини жойлаштириш корхоналарнинг инвестицион имкониятларини қискартиради ва бу ҳолатда давлат инвестициялари томонидан хусусий инвестицияларни сиқиб чиқариш самараси кузатилади. Ташқи қарз муаммоси замонавий жаҳон ҳўжалигининг энг долзарб муаммоларидан биридир. Бу ҳодисанинг пайдо бўлиши жаҳон иқтисодий

алоқаларининг ривожланиш тарихига чуқур кириб боради, лекин, айнан ҳозирги боскичда жаҳон иқтисодиёти жуда аниқ ифодаланган қарз хусусиятига эга бўлди ва бу жараёнда жаҳон иқтисодий тизимининг "локомотивлари" бўлган, АҚШ, Япония, Европа иттифоқи, бу жараёнда етакчи ўринни эгаллаб келмоқда Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, мамлакатнинг давлат қарзлари давлатнинг йиллик ялпи ички маҳсулотининг 77 фоизига тенг бўлганда муаммоли ҳисобланади. Бироқ, кўплаб мамлакатлар ўнлаб йиллар давомида, катта қарз билан яшаб келмоқда, масалан, Франция, Италия ва Японияда бу кўрсаткич 100% дан ошади.

АҚШнинг давлат қарзи рекорд суммага етди. Жорий йил 31 октябрь ҳолатига кўра АҚШнинг давлат қарзи рекорд сумма — 23 триллион доллардан ошиб кетди. Бу ҳақда мамлакат Молия вазирлиги маълум қилди, 2019 йил февралида бу кўрсаткич 22 триллион доллардан ошган эди. АҚШ бюджети танқислиги салкам 1 триллион долларни ташкил этган. Тахминларга кўра, АҚШ бюджетининг жами танқислиги яқин 10 йил давомида 12,2 триллион долларга тенг бўлади. Давлат қарзи ҳажми эса 2029 йил келиб ҳозирги ялпи ички маҳсулотнинг 79 фоизидан 95 фоизига етиши башорат қилинмоқда. АҚШнинг ҳозирги қарз муаммолари, 2007-2008 йиллардаги чуқур молиявий-иқтисодий инқироз натижасида вужудга келди. Шундан бери мамлакатда бир неча бор давлат қарзининг юқори чегараси кўтарилди ва АҚШнинг ҳозирги кунда мавжуд бўлган давлат қарзи муаммолари кейинги йилларда ҳам сақланиб қолади. АҚШ давлат қарзининг асосий қисми хусусий шахслар, корпорациялар, Федерал резерв тизими (ФРТ), шунингдек, давлат ва хорижий давлатларга тегишли бўлган ғазначилик қимматли қоғозлари ҳисобланади. Қўшма Штатлар облигациялари бутун дунёдаги инвесторлар орасида энг машҳур қоғозлардир. АҚШ давлат қарзига, Хитой давлати \$1,121 триллион миқдорида инвестиция киритиб, ҳаммадан ҳам кўпроқ ғазначилик қимматли қоғозларига эгаллик қилади. АҚШ облигацияларининг даромадлилиги юқори эмас, - энг кўп тарқалган ўн йиллик узок муддатли мажбуриятлар йилига 2,68% ни ташкил қилади. Бироқ, улар ҳар доим очик бозорда жиддий йўқотишларсиз жорий нархларда сотиладиган ва дефолт эҳтимоли паст бўлган, ишончли қимматли қоғозлардир.

Қарздор мамлакатларнинг умумий рўйхатидаги биринчи йигирматаликда асосан ривожланган, иқтисодиёти барқарор мамлакатлар ўрин олган. Демак, бундан шундай фикр қилиш мумкинки, давлат қарзи мавжудлиги салбий ҳолат эмас, аксинча, қарз иқтисодиётни ривожлантиришга, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади деб айтиш мумкин. Мисол учун, Япониянинг умумий қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 240 фоизини ташкил этади. Лекин мамлакат қарзининг 90% дан кўпроғи, яъни ЯИМнинг 200% дан ортиғи ички харидорларга тегишли, бу эса, қарз кўрсаткичининг умумий даражаси юқорилигига қарамадан, давлат қарзининг барқарорлиги омилларидан бири ҳисобланади. Иқтисодий дастак сифатида, қарз олишдан бутунлай воз кечиш кўплаб давлатлар учун стратегик хато бўлади. Бироқ, қарз юки Грецияда бўлгани каби, иқтисодий тормозланиш омилига айланиб қолмаслиги лозим. Сўнгги йилларда халқаро молия соҳасидаги умумий беқарорлик шароитида ташқи қарзнинг барқарор ўсиши баъзи мамлакатларнинг кредит рейтингларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мисол учун, 2016 йил сентябрда MOODIS Туркияда ташқи қарз ошириш зарурати билан боғлиқ хатарнинг ортиши ҳамда иқтисодий ўсиш ва институтлар барқарорлигига таяниб, Туркиянинг суверен рейтингини "В+" даражасига пасайтирди. Суверен кредит рейтинги, давлатнинг ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажаришга тайёрлигини баҳолаш воситасидир.

Fitch Ratings Халқаро рейтинг агентлиги 2018 йилнинг декабрь ойида Ўзбекистонга хорижий ва миллий валютадаги эмитент дефолтининг (РДЕ) "ВВ-" (спекулятив хусусиятларга эга бўлган хатарли мажбуриятлар) узок муддатли рейтингини, ва ҳар икки валютадаги қисқа муддатли рейтингини — "В" даражасини берди. Рейтинг бўйича башорат барқарор баҳоланди, - "юқори инфляция даражаси, хомашёга кучли қарамлиги ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ даражасига нисбатан тизимли камчиликларга ўхшаш рейтингга эга бўлган бошқа мамлакатлар билан таққослаганда, давлат қарзининг паст даражаси ва иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръати ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон рейтингларини мувозанатлаштиради", — дея изоҳлайди агентлик.

Мамлакатнинг кредит рейтингини олиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ўсишига, хорижий шериклар билан ҳамкорликни кенгайтиришга, шунингдек, банклар ва корхоналарга жаҳон молия бозорларида кредит маблағларини паст фоиз ставкалари бўйича жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратишга ёрдам беради. Чунончи, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Ҳаракатлар стратегиясида, "...етақчи халқаро ва хорижий молиявий институтлар билан алоқаларни кенгайтириш, пухта ўйланган ташқи қарзлар сиёсатини амалга оширишни давом эттириш, жалб қилинган хорижий инвестиция ва кредитлардан самарали фойдаланиш"[1] устувор йўналиш сифатида белгиланган. Макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашда тараққиёт аниқланган тақдирда мамлакат рейтинглари оширилиши, шу билан бирга, валюта захираларининг барқарор пасайиши ва суверен балансининг заифлашуви, салбий рейтинг таъсирига олиб келиши мумкин. Ўзбекистон ташқи қарзининг умумий ҳажми йил бошидан 10,3 фоизга ёки 1,8 млрд долларга ошган ҳолда 2019 йил 1 апрель ҳолатига 21,3 млрд долларни ташкил қилди [2]. Асосан, ташқи қарзининг 11,7 млрд доллари давлат қарзи ва 7,3 млрд доллари хусусий қарздан иборатдир.

1-расмда кўриниб турибдики, 2017–2018 йилларда хусусий сектор қарздорлиги камайган. Бироқ, 2019 йил I чорагида банклар ва иқтисодиётнинг бошқа сектори корхоналари томонидан қарз олиш ҳажмининг ошиши натижасида хусусий сектор қарздорлиги 121,3 млн долларга ошган.

1-расм. Давлат қарзининг динамикаси .[2]

Жорий йилда давлат секторининг ташқи қарзининг ўтган даврларга нисбатан жадал ўсиш суръатлари кузатилиб, кейинги йилларда жорий ўсиш тенденцияси сақланиб қолиши кутилмоқда.

Ушбу ходиса давлат ривожланиш дастурларини молиялаштириш учун янги ташқи қарзларни жалб қилиш билан боғлиқ ҳисобланади. Япониялик экспертларнинг шарҳига кўра, Ўзбекистонга бўлган қизиқишни тез ўсишига, республиканинг облигациялар чиқариш йўли билан халқаро молия бозорига илк бор чиқиши сабаб бўлган. Бизнес ҳамжамиятида Ўзбекистон бозори учун кураш бошланмоқда кўплаб йирик компаниялар мамлакатга сармоя киритишни ва унинг облигацияларини сотиб олишни истайди". Ўз навбатида, MOODIS экспертлари, "Ўзбекистон ҳукуматининг режаларини қисман амалга оширилиши мамлакатнинг институционал ва иқтисодий қудратини оширади ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга ёрдам беради" деб тахмин қилмоқдалар.

Юқорида келтирилган таҳлилларга асосан қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

— давлат қарз сиёсатининг самарадорлиги – мамлакат молиявий тизимининг шаффофлиги ва мамлакатнинг барқарор ривожланиш стратегиясини асосий кўрсаткичидир;

— давлат қарз сиёсати давлат қарзини молиялаштиришнинг қуйи чегараси ва таркибини шакллантиришнинг асосий йўналиши ҳисобланади;

— Ўзбекистонда самарали давлат қарзини шакллантириш мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширади;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори (www.lex.uz).

2. Марказий Банкнинг 2018 йилги ҳисоботи. <http://cbu.uz/ru/press-tsentr/obzori/2019/03/162513/> ҳамда <https://www.gazeta.uz/uz/2019/06/28/debt/> маълумотлари асосида муалифлар томонидан умумлаштирилган.

3. Мохнаткина Л.Б. Государственный и муниципальный долг / Учебное пособие. 1996 г.

4. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик. –Тошкент: “Ношир”, 2012. -284 б.

5. Mathieu Grobety. Government debt and growth: The role of liquidity, Journal of International Money and Finance. Volume 83, 2018. Pages 1-22. <https://doi.org/10.1016/j.jimonfin.2018.01.004>.